



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (12.221)

Баҳоси эркин нарҳда



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



МАМЛАКАТИМИЗДА



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ЁРҚИН САМАРАСИ

Ўзбек полвони Артур Таймазов учинчи марта Олимпия чемпиони унвонини қўлга киритди

ЛОНДОН, 12 август. ЎЗА махсус мухбири
Зоҳир ТОШЎЖАЕВ хабар қилади.

Эркин кураш устаси – Артур Таймазов ғалабаси шарафига XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилиб, Давлат мадҳияси янгради.

Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларимизнинг истеъдодини тўла намойён этиши, маҳоратини муттасил ошириб бориши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида вояга етаётган баркамол авлод вакиллари ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби спорт соҳасида ҳам юксак чўққиларни забт этмоқда.

XXX ёзги Олимпия ўйинларининг эркин кураш беллашувларида барча муҳлису мутахассислар эътибори энг оғир – 120 килограмм вазн тоифасида ўтказилган беллашувларга қаратилди. Чунки дунёнинг энг забардаст эркин курашчилари иштирок этган ушбу мусобақаларда ўзбек полвони А.Таймазов спорт оламида кам кузатиладиган тарихий натижани қайд этиб, учинчи марта Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритиши кутилган эди.

Бунгача жаҳон чемпионатлари ва Олимпия ўйинлари-

да икки мартабадан олтин медални қўлга киритган А.Таймазов Лондон Олимпиадасида ҳам юксак маҳорат кўрсатди. Саралаш учрашувларида германиялик Ник Матухин, Осиё чемпиони кумуш медали совриндори, эронлик Комил Гашеми, Панамерика чемпиони ва жаҳон кубоғи соҳиби, америкалик Тервел Длагневни катта устунлик билан енгиб, финалга чиқди.

Ҳал қилувчи баҳсда жаҳон чемпионати совриндори грузиялик Давид Модзмашвили билан куч синашган ҳамюртимиз рақибини мағлубиятга учратди ва Лондон Олимпиадасининг олтин медалини қўлга киритди.

Беллашувлар олдидан Ватанимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига Олимпия ўйинлари олтин медалини тўхфа қиламан, деб ўзимга сўз берган эдим, – дейди уч карра Олимпия чемпиони А.Таймазов. – Сўзимнинг устидан чиққанимдан, Лондон Олимпиадасида Президентимиз Ислон Каримов ишончини яна бир бор оқлай олганимдан бахтиёрман.

А.Таймазов спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – ёзги Олимпия ўйинларида эркин кураш бўйича уч мартаба олтин медални қўлга киритган учинчи спортчи сифатида жаҳон спорти тарихидан жой олди. Эркин кураш мусобақалари ёзги Олимпия ўйинлари дастурига 1904 йилда киритилганидан буён фақат икки киши – беларуслик Александр Медведев ва россиялик Бувайсар Сайтиевга олимпиадаларда ана шундай уч мартадан зафар кучи насиб этган.

Айни пайтда Артурнинг улардан устун томони шундаки, ҳамюртимизнинг медаллар жамланмасида Афина, Пекин ва Лондон Олимпиадаларининг уч олтин медалидан ташқари, 2000 йили Сиднейда қўлган киритилган кумуш медал ҳам бор. Бу кўрсаткич бўйича ўзбек полвони дунёдаги ягона эркин курашчидир. Шунингдек, у эркин курашчи сифатида жаҳон чемпионатларида иккитадан олтин ва кумуш, битта бронза медалга сазовор бўлган, икки карра қитъа чемпиони ва Осиё ўйинларининг уч карра ғолиби ҳамдир.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан А.Таймазов Ватанимизнинг юксак мукофотлари – «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонлари ва «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

«Ўзбек халқининг энг улуғ ва энг азиз байрами – Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон халқига мурожаат қилишни ўзим учун катта шараф деб биламан, дея ўз сўзини бошлади «Корея-Ўзбекистон» Дўстлик уюшмасининг раиси Ким Юн Сик «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. Бу йил Ўзбекистоннинг истиқлол байрами муҳим сана – мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги билан бир вақтта тўғри келгани мени қувонтиради.»

КИМ ЮН СИК:

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ»

Ўз фикрларини ўртоқлашишда давом этар экан, Ким Юн Сик мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон халқро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллашга муяссар бўлганини, юртимизда барқарорлиқни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳада туб ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилганини қайд этди.

— Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг аъзоси, «Корея-Ўзбекистон» Дўстлик уюшмасининг раиси, бир компания раҳбари ҳамда мамлакатингизга нисбатан катта ҳурматга эга бўлган киши сифатида мен Ўзбекистонга кўп мартаба келганман, — деди у. — Шу боис Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида қандай қийинчилик ва таҳдидларга тўқнаш келганини яхши биламан. Дарҳақиқат, ўзбек халқи истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлари, жумладан, юқори даражадаги халқро обрў-эътибори, барқарор ривожланаётган иқтисодий ва мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлари билан фахрланса арзийди.

Ким Юн Сик Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихан қисқа давр мобайнида стратегик шериклик даражасига кўтарилган икки томонлама муносабатлар ривожини юксак баҳолар экан, юқори малакали кадрлар ва ривожланган санат инфратузилмасининг мавжудлиги сингари омиллар икки томонлама ҳамкорликнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётганини эътироф этди.

— Икки давлат етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг изчил ривожланишида энг муҳим ўринни тутишмоқда, — деди корейлик эксперт. — Давлат раҳбарларининг ҳар йили ўзаро ташриф алмашишлари халқро амалиётда камдан-кам кузатиладиган ҳолдир. Шу маънода 2008 йилдан буён Президентлар Ислон Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиққан тўртта учрашув бўлиб ўтгани алоҳида аҳамият касб этади.

Мулоқот якунида Ким Юн Сик «Корея-Ўзбекистон» Дўстлик уюшмасининг аъзолари номидан Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг қутлуғ 21 йиллик байрами билан чин қалбдан табриклади ва фаровон давлат қуриш йўлида улкан муваффақиятлар тилади.

**«Жаҳон» АА
Сеул**

● Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Суриштирув ва дастлабки терговни юриштишда суд назоратини кучайтириш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура вакиллари, бир қатор олий ўқув юртарининг олимлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари ходимлари қатнашди.

● Кеча Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги мутасаддилари, республикамизда фаолият юритаётган лизинг компаниялари раҳбарлари ҳамда тижорат банклари мутахассислари иштирок этди.

● Андижон шаҳрида «Мафтункор ранглар олами» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика Ноғиронлар жамияти ҳамда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилаётган мазкур танлов ёш авлод қалбида улғур неъмат – Ватанга муҳаббат, истиқлолга шукроналик, келажакка ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Халқро молия корпорацияси ва Жаҳон банки ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тижорат банклари, молия-кредит ташкилотлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари, халқро молия институтлари экспертлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Австралиялик кашфиётчи Кристофер Маллоу уча оладиган мотоцикл яратди. «Hoverbike» деб номланувчи бу қурилма 3000 метр баландликда соатига 160 километр тезликда уча олади. Бошқарилиши жуда қулай ва осон мазкур учувчи-мотоциклга хавфсизлиқни таъминловчи қурилма ўрнатилган. Асли касби учувчи бўлган Маллоунинг сўзларига қараганда, унинг бу ихтироси шаҳар йўлларидаги тирбандликка барҳам бериши мумкин. Ўзига хос дизайнга эга бундай янги транспорт воситасининг оғирлиги 270 килограмм. Кашфиётчининг таъкидлашича, BMW двигатели ўрнатилган бу мотоцикл 45 дақиқа уча олиши мумкин.

● Хорватиянинг Винковце шаҳридан археологлар римликлар даврига тегишли хазинани топди. Эрамиздан аввалги IV асрга оид мазкур хазинада элликдан зиёд турли хилдаги қимматбаҳо олтин идишлар бор. Умумий оғирлиги 35 килограммни ташкил қилувчи бу қадимий буюмларда ўша даврга оид суратлар тасвирланган. Мутахассисларнинг фикрича, хазина аниқланган ерда ушбу қимматбаҳо буюмлар соҳиби, рим зодағони яшаган. Қайта таъмирланган топилмалар Винковце шаҳридаги музейлардан бирида намойишга қўйилади.

● Италиялик саноят дизайнери Мишель Пуццолантининг лойиҳаси асосида сув устида антиқа дам олиш маскани бунёд этилди. Ташқи томони куёш батареялари билан қопланган, сув устида мунтазам ҳаракатланувчи бундай уйлар мажмуаси ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли, хавфли ташқи омиллардан ҳимояланган. Олти кишига мўлжалланган мазкур оромгоҳ уйларнинг деворлари қалин, синмас ойналардан ишланган. Ўзига хослиги билан сайёҳларни жалб этаётган ушбу уйларда яшовчи киши шиша поллар орқали сув ости дунёсини томоша қилиш ва атрофни кузата олиш имконига эга. Уч ва тўрт хоналардан иборат ушбу уйларда ошхонадан тортиб, чўмилиш хонасигача мавжуд.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан «Электр энергияси соҳасини техник ва техноло-

гик модернизация қилиш, хорижий сармоя асосида барпо этилаётган янги қувватлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида матбуот анжумани ташкиллаштирилади.

✓ **ЭРТАГА** «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Бектемир туман босқичи «АстроБод» маҳалла гузарида ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захи-

ралари коллежи ўйингоҳида Республика Ички ишлар идораларининг Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўртасида «Намунали ППХ саф бўлимаси» ва «Патруль-пост хизматининг аълочи милиционери» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтади.

Хозирги пайтда мамлакатимизда олиб бораётган ҳуқуқий ислохотлар, қонунчилик жараёнларининг жадал кечаётганини назарда тутиб, аҳолини юридик маълумотлардан етарли даражада хабардор қилиб бериш лозим. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятнинг юксалиши ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омиллидир. Ҳозирги ҳуқуқий демократик давлатнинг фуқаролари ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлишлари лозим ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни юксалтириш билан бевосита боғлиқ.

Шу сабабли ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари алоҳида эътибор қаратилиб келинди. Ютубошизмизнинг бевосита ташаббуслари билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ 1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида иқтисодлаштирилган «Адолат» нашриёти ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси этиб мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ва ўрта ҳуқуқшунослик билим юрталари талабалари, корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, мутахассисларга Ўзбекистоннинг янги қонунларини, Президентимизнинг қарор, фармон, фармойишлари, ҳуқуқ қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларни тезкорликда чоп этиш ва тарқатиш, кенг халқ оммасини ҳуқуқий адабиётлар ва нашрлар билан таъминлаш, шунингдек, қонунларга шарҳлар, ҳуқуқ-тартиботга оид маълумотнома, лугат, бадиий ва ҳуқуқий илмий-оммабоп асарлар нашр этиш «Адолат» нашриётининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари кодекс, қонун ҳужжатлари тўпламлари, рисола ва бошқача кўринишларда эълон қилиниб келинмоқда. Жумладан, «Адолат» нашриёти томонидан Республикаимиз раҳбариятининг ташаббуси билан Ўзбекистон юридик энциклопедияси яратилди, барча кодекслар ягона шаклда андозада домий равишда қонунчиликдаги сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар билан, иқтисодий-турли соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари нашр этилиб келинмоқда.

«Адолат» нашриёти томонидан 2012 йил 1-ярмида Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик, Оила, Жиноят-ижроия, Жиноят, Солиқ кодекслари, Гражданский кодекс Республикаси Ўзбекистон, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларининг муносабатлари тўғрисидаги қонуни, «Нотариатга оид норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар тўплами», «Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан олимпиада иштирокчилари учун ўқув қўлланма» китоби, «Суд экспертизасига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» китоблари нашр этилди.

Мамлакатимизда олиб бораётган ҳуқуқий ислохотлар, қонунчилик жараёнларининг жадал суръатлар билан ривожланиётганлиги аҳолини ҳуқуқий ахборот ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада хабардор қилиб боришни назорат масаласига айлантирмоқда. «Адолат» нашриёти мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашр этишга иқтисодлаштирилган ягона нашриёт ҳисобланади. Шу маънода мазкур нашриёт нашрларининг республикаимиздаги етакчи нашриётлар китоб маҳсулотлари орасида ўз ўрни ва алоҳида салмоқи бор.

«Адолат» Ватанимиз истиқлоли ва замон билан ҳаммафас қадам ташлаб, миллий қонунчилигимизни тарихга муҳраб, ҳуқуқий йўналишдаги, мазмун-мундарижаси кенг камровли нашрларни расмий манба сифатида тақдим этиб келмоқда. Нашриёт ташкил топганидан буюн ўтган 20 йиллик давр мобайнида расмий манба ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг қонунари, кодекслари, кодексларга шарҳлар, кодекслар тўпламлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ҳуқуқшуносликка оид ўқув қўлланмаларини чоп этиш, аҳолининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқий адабиётларга бўлган эътиборини қондириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кун тараққиёти жамиятда янгича муносабатларни вужудга келтирмоқда ва ушбу муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш зарурияти юзага келмоқда. Табиийки, янги қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг кенг жамоатчиликка етказиб берилишини тақозо этади. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий ҳужжатлар ҳисобланиб, уларни бузиб талқин қилиш ёки расмий манбаларда эълон қилинганидан бошқача шаклда эълон қилишга йўл қўйилмайди. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш уни расмий ёки норасмий эълон қилаётган субъектлардан катта эътибор ва масъулият талаб қилади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, болагидан оилавий кутубхонасидаги китобларни

Нашриётнинг ҳеч бир нашри йўқки, китобхон назаридан четда қолган бўлса. Нашриёт ижодий жамоаси ташаббуси билан мамлакатимизда биринчилардан бўлиб детектив жанридаги китобларни нашр этишга киришилди. «Ўзбек детективи» туркумида чоп этилган қизиқарли, оммабоп нашрлар қўламли бўлиб ўқилди. Шунингдек, нашриёт халқимизнинг ҳуқуқий мероси ҳисобланган нодир асарларни нашр этишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, «Ҳуқуқий меросимиз ҳазинасидан», «Ахлоқ. Адаб. Адолат» туркумида М.Мақсуднинг «Мажмаъ ул-мақсуд», Бурхониддин ал-Марғинонийнинг «Хидоя», Абу Хомид Ғаззолийнинг «Кимийи саодат», Мусо ат-Термизийнинг «Сунани Термизий», Низомулмулкнинг «Сибъатнома», А.Халлофнинг «Усул ул-фиҳр», «Мутафаккир-

ҳуқуқшунослик тизимида етарли даражада амалий тажрибани кўраимиз.

Шуниси ачинарлики, кейинги вақтларда бошқа турли хил йўналишдаги, ҳуқуқий соҳага иқтисодлашмаган хусусий корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кодекслари ва кодексларга шарҳларни норасмий равишда, тижорат мақсадларида чоп этиб, тарқатиш ҳолатлари рўй бермоқда, бу эса ўз навбатида, нашр ишларида қўлаб хато ва камчиликларга йўл қўйилишига олиб келиб, ҳуқуқий адабиётларнинг стилистик, орфографик, пунктуацион хатолар билан нашр этилишига сабаб бўлмоқда. Айнан шундай нашрлар расмий манба ҳисобланмайди ҳамда ҳуқуқни қўлаш амалиётида хатоликлар ва тузатиб бўлмайдиган чалқашликларни ҳам келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, уларга шарҳлар, кодекслар тўпламлари инсонлар тақдири билан бевосита боғлиқ расмий ҳужжатлардир, уларни хатоликлар билан нашрдан чиқариш республикаимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ва судлар томонидан ҳуқуқни қўлаш амалиётида тузатиб бўлмайдиган хатоликларнинг содир этилишига, бу эса фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига, уларнинг асосли норозилигига ва ҳақли эътирозига сабаб бўлиши табиий.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш ўринлидир, «Адолат» нашр белгиси билан чоп этилаётган Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонун ҳужжатлари тўпламлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар малакали мутахассислар томонидан таҳрир ва таҳлил қилиниб, расмий манбаларга таянган ҳолда чоп этилганлиги боис, энг ишончли расмий манба ҳисобланади.

«Адолат» нашриёти давлат корхонаси томонидан чоп этилаётган расмий нашрларни қўлаб ҳорижий давлатларга, жумладан Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдова, Қозғокистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Республикаларига жўнатилиши йўлга қўйилган бўлиб, ўз навбатида ушбу хорижий давлатлардан ҳам расмий нашрлар келиб тушиши ва кенг миқёсда ахборот алмашуви йўлга қўйилган.


«Адолат» нашриёти 2009 йилдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манба — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами» — «Сборник международных договоров Республики Узбекистан» даврий нашрларини ҳам чоп эта болади. Бу эса, ўз навбатида нашриётнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр қилишда нечоғлиқ ишончли ҳуқуқий манбаларга эга бўлишига алоқадор бўлади.

Қўпгина фуқароларимиз қонунобузлий, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига дуч келишига ҳамда ҳуқуқшунос маслаҳатига эҳтиёж сезишда. Ёки янги қонунлардан, қонунчиликдаги ўзгаришлардан бебаҳарлик ҳам муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Истардимки, «Адолат» нашриётида чоп этилаётган ҳуқуқий адабиётлар ҳар бир оиланинг оилавий кутубхонасидан ўрин олсин! Зеро, ўзи яшаётган мамлакатнинг қонунчилигини мукамал билган ва ундаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиб борган фуқаро, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, бурчларини яхши билади, ҳар бир ишда, муаммоли вазиятларда ҳам шундай, оқилона фикр уртада. Хулоса ўрнида айтганим бўлсак, ҳуқуқий билим инсон учун ҳаётда сув ва ҳаводек энг зарур эҳтиёждир.

Комиллик калити юксак ҳуқуқий маданиятга эришувчиликдир. Мамлакатимизда ёшларни илмий, юксак маънавиятга комил инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганига бехижа эмас. Зеро, юртимизда юксак ҳуқуқий маданиятни кишилар қанчалик кўп бўлса, қонун устуворлигига эришиш шунчалик осон бўлади.

Акмалдон ИНАНБАБАЕВ,
«Адолат» нашриёти директори

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — КОМИЛЛИК КАЛИТИ



қўқиб улғайган, илму маърифатга, зиёга талпинган қалблар орасида тарбия қўрган кишиларнинг ҳаётга қарашлари, яшаш фалсафаси бошқача бўлади. Ҳуқуқнинг яхши билган инсон эса, керакли вақтда тўғри хулосага келади, ҳаётда қўқилмайди. Шу ўринда ана бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли, назаримда. Ҳар бир фуқаро, ўш у ёш, ҳоқ кекса бўлсин, ўз ҳаётида ҳуқуқий маслаҳатларга эҳтиёж сезади. Ана шундай вақтда ҳуқуқий мавзудаги китоблар энг яхши, бемиқнат маслаҳатгўй бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги иқтисодлаштирилган «Адолат» нашриёти нашрларини айнан шу маънода факатгина ҳуқуқшунослар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг масъул ходимлари, ўқув даргоҳларида таълим олаётган талаба ва ўқувчи ёшлар, ҳуқуқий мавзуга қизиққан кишиларгагина эмас, балки барча учун бирдек қизиқарлидир.

«Адолат» нашриётининг нашр белгиси билан ўтган йиллар давомида чоп этилган китоблар миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос қомусига айланди, десак, муволажа бўлмайди. Сабаби, нашриёт ташкил бўлганидан буюн орадан ўтган 20 йиллик фурсатда нафақат расмий қонун ҳужжатлари, балки, ҳуқуқий мавзудаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос тарзда шарҳлаб берадиган ранг-баранг мавзудаги китоблар нашрдан чиқарилади.

лар ахлоқ-одоб ҳақида» каби бир қанча нодир асарларни Ўзбек тилида чоп этиб, китобхонларга тақдим этилди ва бугун ҳам бу аънаъа давом этмоқда.

Айниқса, нашриёт томонидан Республикаимизда биринчилардан бўлиб, бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида рус ва инглиз тилларида нашр қилиниб, тарқатилиши, қолаверса, 2009 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ўзидан 3300 дан ортиқ юридик атамаларни жамлаган «Ўзбекистон юридик энциклопедияси»нинг яратилиши қўпчилигини қўлғилдаги иш бўлди.

Қўндан-қўнға ривожланиб бораётган техника, фан асрида яшаётган эканимиз, глобаллашув жараёнида ёшларимизни оммавий маданият таъсирига тушиб қолишдан ҳаётда ҳар қадамда зарур бўладиган китобларга асрай олади. Шунинг учун ҳам китоблар оламига янада яқинроқ бўлишимиз, айниқса, ёш авлодин китобга меҳрли қилиб тарбиялаш зарур, деб ўйлайман. Бугун бутун дунёни ташвишга солаётган одам савдоси, гиеҳвандлик ва бошқа турли хил иллатлар домига илиниб қолаётган юрдошларимизнинг аксарияти ҳуқуқий ёрдамга муҳтожлигини ҳисобга олсак, ҳаётимизда ҳуқуқий адабиётларнинг ўрни нақадар зарурлигини дилдан ҳис қиламиз. Дунё харитасидан ўрин олган ҳар бир ривожланган давлатнинг кечаси ва бугунига назар ташласак, қонунчилик ва

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган автотранспорт воситалари қўйилган:

1. Миробод туман СИБ томонидан «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2012 йил 9 июль кунги 24508/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 X 011 GA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 000 000 сўм. 2. 2012 йил 9 июль кунги 24501/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1974 йилда и/ч дав. бел. 30 X 7883 бўлган «Ваз-2101» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 177 646 сўм. 3. 2012 йил 9 июль кунги 24501/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 V 858 CA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Бошланғич нархи 20 000 000 сўм.

II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 29 февраль кунги ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 X 085 HA бўлган «Ниссан Максима» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи 27 452 397 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 14 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий аукцион 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖ ичун ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55 сонли ижро варақасига асосан, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygogod» ЕАЖ «УМ», «Концерн Карвон» Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фуд» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторж» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютук» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулклар арзонлаштирилиб, жалманма сифатида такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 634 271 715,4 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 30 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2012 йил 28 август куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган заклат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қўйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Зангиота туман СИБ томонидан 20.06.2011 й. № 15723-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифок Қ.Ф.Й., А. Икромов ж/да жойлашган 2 қаватли омборхона. Бошланғич баҳоси 259 414 000 сўм. 2. Кибрай туман СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 1-41/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қўшбеги тумани, Байтқўрган ҳудудида жойлашган Бино иншооти. Бошланғич баҳоси 585 260 564 сўм. 3. Уртачирчик туман СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Уртачирчик тумани, Истиклол к.ф.й.да жойлашган SUN CITY VILLAGE дам олиш оромоғи. Бошланғич баҳоси 349 702 573 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 4. Юнусобод туман СИБ томонидан 24.05.2010 й. № 13478/23-11415/23-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси 674 563 602 сўм. 5. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 23.04.2009 й. № 1-160-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Гагарин кўчаси, 5-уй, 21-хонадон. Бошланғич баҳоси 6 777 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 17 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 сентябрь куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 2 октябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қатнашиш истигадига талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги заклат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти жамоаси савдо соҳаси фахрийси **Сирожиддин АРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти жамоаси савдо соҳаси фахрийси **Анвар АЛИМУХАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур таъзия изхор этади.

Хусусий тадбиркор Девонаев Делмурод Хасановичга Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан 2011 йил 15 февралда Берилган Реестр тартиб рақами 0807046 бўлган, 08-05-803 сонли гувоҳнома (ИНН 434933574) йўқолганлиги сабабли **БЕКБОР ҚИЛИНАДИ**

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АМАЛДА

Жумладан, жамғарма томонидан бемор болаларни хориждаги нуфузли клиникаларда даволаш учун махсус дастур ишлаб чиқилган.

2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилотини ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. Унга кўра, ўтган давр мобайнида 206 нафар ўзбекистонлик бемор болалар терининг куйиш асоратлари, туғма кўл-оёқ бўғимлари нуқсонлари ва бошқа ташкислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларига даволашни учун жўна-тилди.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилотининг грант маблағлари ҳисобига республикаимизда ҳам жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида Ўзбекистон бўйича жами 136 нафар туғма лаб-танглай нуқсонли бўлган болаларда 12 540,0 минг сўмлик жарроҳлик операциялари ўтказилди. Шунингдек, ўтган ярим йил давомида «Чиройли оёқчалар» лойиҳаси доирасида туғма оёқ нуқсонли (май-моқлик) ва «қийшқиб бўйин» ташхиси қўйилган 15 ёшгача бўлган 104 нафар бемор болалар операция қилинди.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичида жорий йил 15 август куни Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида яшовчи 16 нафар бемор болалар Германия Республикаси клиникаларида даволашни учун жўнаб кетишади. Улар Германияда 6 ойдан 3 йил мuddатгача даволанишади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Халқ лапар ва ўланлари қудратли тарбия манбаидир. Уларда халқ турмушининг барча соҳаларига оид панд-насиҳатларни, ибратли ўғитларни ва эзгуликка чорловчи, кўнгилда ажиб бир ҳислар уйғотувчи наволарни тинглаш мумкин.

Лапар ва ўланлари халқ озгаки ижодининг ноёб дурдоналарига қисқалиқ келади. Уларнинг барҳаётлигини, давомийлигини таъминлашда, янги мавзулар билан бойитиб, ривожлантириб боришда ва тарғиб этишда ўтказилаётган турли-туман тадбирлар, танловлар ва фестивалларнинг ўрни каттадир.

Авал хабар берганимиздек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида лапар ва ўлан ижрочилари кўрик-фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу қизиқарли тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Б.Аҳмедов юртимизда Президентимиз раҳнамолигида маънавий меросимизни тиклаш, асраб-авайлаш, келажак авлодларга тўлалигича етказиш доимий эъти-

борда эканлигини таъкидлади. Шунингдек, юртимизда фаолият олиб бораётган лапар ва ўлан ижрочилари ижоди билан танишиш, уларнинг бетакрор ҳаваскор-

Фестиваллар

МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ АРДОҚДА

лик санъати дурдонасидан баҳраманд бўлиш, ёшларимизнинг халқ ижодиётига бўлган қизиқишини янада орттириш, «Устоз-шогирд» аъёнларини давом эттириш ҳамда ижрочилик йўналишида қўлга киритилаётган ютуқларни нафақат республикамиз, балки дунё мамлакатлари нигоҳида янада сарбаланд қилиш борасидаги фикрларини ўртоқлашди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори йўналишидаги ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лапар ва ўлан куй тузилиши жиҳатдан унчалик мураккаб бўлмаган, тор диапазонли, нақоратсиз ижро этилгани боис ҳам оммавий ва халқчилдир. Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад эса, ушбу санъат ижрочиларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг қизиқиши ва эътиборини кучайтириш, бу борада «Устоз-шогирд» аъёнларини йўлга қўйиб боришдан иборатдир.

Кўрик-фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 60 нафардан ортиқ ижрочилар ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Ҳакамлар ҳисоб-китобларига кўра Тошкент вилояти ўланчилари Турдиали Пардаев, Қулимхон Дуйсанов ҳамда хоразмлик лапар ижрочилари Зулхумор Норбоева, Муҳаббат Отабоевалар биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ғолиблар ҳомий ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ким ўзини қанча доно ҳисобласа, шунча нодондир.

* * *

Ҳар қандай иш то бир киришгунча — киришдингми уёғи осон кетади.

* * *

Кимнинг кимлиги бошга иш тушганда билинади.

* * *

Бор нарса хор, йўқ нарса азиз.

* * *

Тақдирнинг ишлари охири-оқибат ҳақ бўлиб чиқади.

* * *

Ким арзимас ишни ҳам сидқидилдан қилади, ким муҳим ишни ҳам наридан бери.

* * *

Ишни одамига топширинг.

* * *

Ўзгани гуноҳқор қилиш ҳам худбинликдан.

* * *

Ишонсизлик инсонни емиради.

* * *

Бировнинг ҳақи бировда қолиб кетмайди.

* * *

Дунё — чексиз.

Орзулар ундан ҳам...

* * *

Сени кўпинча сендан яхшилик кўрганлар ёмонлайдилар.

* * *

Бировни уялтириш осон, хишлолатдан қутқазиб қийин.

* * *

Одамларни қоралаш — юракбағрин поралаш.

* * *

Маъноли суҳбат — энг таъсирчан тарбия воситаларидан бири.

* * *

Биз болалардан нақдимизни қизганмаган ҳолда вақтимизни қизганимиз.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгилликлари

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Ниҳоят, бир ойлик танаффусдан сўнг профессионал футбол лигаси жамоалари мамлакат XXI миллий чемпионати иккинчи давра мусобақаларини бошлашди.

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу 14-турда пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Локомотив» жамоаларига омад кулиб боқди.

Тошкентда Самарқанднинг «Динамо» жамоасини қабул қилган «Локомотив» командаси аъзолари ушшоқ ва сермазмун ўйин намойиш этиб, мезбонлар дарвозасини 90 дақиқа мобайнида уч марта ишгол эта олишди ва ўз дарвозаларидан биттагина гол ўтказиб юборишди. «Локомотив»дан — Александр Шадрин (2 марта), Исрол Тўхтаўжаев, «Динамо»дан — Иван Нагиев голларга муаллифлик қилишди.

Сафарда Бекободнинг «Металлург» жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор» командаси ҳам ушбу муҳим ғалабаси билан ўз муҳлисларини хурсанд қилди. Шиддатли ва мурасасиз кечган беллашувда 1:2 ҳисоби қайд этилди. Шу куни дарвозаларга голларни «Металлург»дан Д. Каримов, «Пахтакор»дан — Ш. Эркин, Ш. Каримовлар йўллашди.

Иккинчи давра баҳсларини амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» жамоаси очко йўқотиш билан бошлади.

Ўз майдонида «Андижон» жамоаси билан куч синашган Миржалол Қосимов шогирдлари тенг курашлар остида кечган курашда меҳмонлар дарвозасига гол киритишнинг урдасидан чиқа олишмади. Хуллас, ўйинда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. 0:0 ҳисобида яқунланган учрашувдан сўнг «Бунёдкор» муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Олмалик» — «Насаф» — 0:1; «Бухоро» — «Нефтчи» — 1:1; «Навбахор» — «Машъал» — 2:2; «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:0.

ЕТАКЧИЛАРИМИЗНИНГ ҚАЙТИШИГА УМИД БОР

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи футболчиларидан бири, Россиянинг «Анжи» клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов «ўйиндан ташқари ҳолат»га тушиб қолди.

Ҳап шундаки, Европа лигаси учинчи саралаш босқичи доирасида Голландиянинг «Витесе» клуби ҳамда «Анжи» жамоаси ўртасидаги баҳсда жароҳат олган Одил Аҳмедов майдонни эрта тарк этишга мажбур бўлди.

Шунингдек, Озарбойжоннинг «Нефтчи» жамоаси ҳужумчиси, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг аъзоси Баҳодир Насимов ҳам жароҳати сабаб Европа чемпионлар лигаси турнирида ўз жамоасига ёрдам бера олмаглигини таъкидлаш лозим.

Муҳлисларга маълумки, сентябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари ҳақон чемпионатига саралаш турнирининг тўртинчи босқичи доирасидаги муҳим учрашувда ўзаро куч синашишди. Ушбу баҳс олдида эса Иордания терма жамоаси билан мамлакатимиз терма жамоаси ўртасида ўртоқлик учрашуви уюштирилди. Умид қилмизки, Одил Аҳмедов ҳам, Баҳодир Насимов ҳам ушбу беллашувларга қадар жароҳатларини даволаб сафга қайтишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Учтепа туманидаги 26-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақалар

ОИЛАВИЙ ЖАМОАЛАР БЕЛЛАШДИ

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маҳалла ўқувчи-ёшларини ёзги таътил пайтида спортга жалб қилиш, ёш иқтидорли спортчиларни етиштириш каби хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилган мусобақаларда тумандаги фарзандларининг ёши 14 дан ошмаган ўғил, қиз ва ота-онадан иборат оилавий жамоалар иштирок этишди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хай-

рия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа қатнашчилари стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика, дартс спорт турлари ва «Кувнок стартлар» мусобақасида ғалаба учун кураш олиб боришди.

Айниқса, 4 хил эстафетани ўз ичига олувчи «Кувнок стартлар» ҳамда 60 метрга югуриш, жойдан узунликка сакраш ва

найза улоқтириш каби йўналишлардан иборат енгил атлетика мусобақалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратлар



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент солиқ коллежи 2012 — 2013 ўқув йили учун асосий ўқитувчилар таркибига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва илмий педагогик иш стажига эга, коллежда ишлашга салоҳияти ва истаги бўлган педагог ва юқори маалакли чет тиллардан бирини мукаммал ўзлаштирган, компьютер саводхонлиги юқори бўлган мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги лавозимлар бўйича қатнашишлари мумкин:

— Умумтаълим фанлари: она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, шахс ва жамият, рус тили (ўзбек гуруҳларида), хорижий тиллар (инглиз, немис), математика, физика, астрономия, кимё, биология, амалий география, информатика, тарих, нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш, ёшларни қаҳриққача тайёрлаш, жисмоний тарбия, Ўзбекистон Конституцияси, маънавият асослари, эстетика, оила психологияси, миллий истиқлол гоёси, ахборот технологияси бўйича ўқитувчилар.

— Умумқасбий фанлар: иқтисодиёт асослари, тадбиркорлик ва бизнес асослари, микро ва макроиқтисодиёт, молия, пул муомаласи ва кредит, корхоналар иқтисодиёти, ҳуқуқ асослари, солиқ ҳуқуқи асослари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, интернет тармоғида ишлаш, касб этикаси ва психологияси бўйича ўқитувчилар.

— Махсус фанлар: солиқ тизимида ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган иш жойлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ тизими асослари, жисмоний шахсларни солиққа тортиш, юридик шахсларни солиққа тортиш, солиқлар таҳлили ва аудити, статистика, шахсий компьютерларнинг тузилиши, уларга хизмат кўрсатиш ва такомиллаштириш бўйича ўқитувчилар.

Танловга топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- коллеж директори номига ариза;
- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
- маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- илмий-услубий ишлар ва иштиролар рўйхати;
- малака оширишдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма;
- 3x4 ўлчамли 6 дона рангли фотосурат;
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- қариндош-уруғлари тўғрисида маълумотнома;
- охириги иш жойидан тавсифнома;
- турар жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик Ҳалқа йўли, 3-уй. Телефон: 274-74-59.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кечаси — 21-23, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра Тошкент шаҳрида 15 августда Тошкент шаҳри 15 август кунини ҳаво бир ри об-ҳаво шароити шаҳар оз ўзгариб туради, ёғингар- ҳаво муҳитида зарарли мод- чилик бўлмайдми. Шарқдан даларнинг сақланиб қоли- секундида 3-8 метр тезлик- да шомол эсади. Ҳарорат тағйирлари наст бўлади.